Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН · № 146 (8386). 3 август, 1984 йил · ЖУМА · Баҳоси 3 тийин.

## ШОНЛИ ЮБИЛЕЙНИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

## ЧЕКАНКАДА 200 АГРЕГАТ

ОҚҚЎРҒОН районн пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 19031 гектар майдонда пахта етиштиришяпти. Айни кунларда район хўжаликларида эртаки ва мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш кетяпти. Муҳим агротехник тадбир — ғўзаларни чеканка қилиш қизғин бошлаб юборилди. Шу кунларда далаларда 200 га яқин чеканка қилиш аппаратлари юқори унум билан ишлатиляпти.

«Ленинизм», Вотинцев номли, «Партия XXII съезди» колхозларида бу тадбир айниқса, уюшқоқлик билан олиб бориляпти. «Ленинизм» колхозининг Мамат Рисбоев, Вотинцев номли колхозининг Турди Шоназарова, «Партия XXII съезди» колхозининг Турсунбой Пўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадалари чеканкани биринчилардан бўлиб тугаллашди. Бу илғор бригадаларнинг коллективлари республикамизнинг 60 йиллик тўйини 60 центнерлик марра билан кутиб олишга аҳд қилишган.

Ҳозиргача район бўйича 10 минг гектардан ортиқ ердаги ғўзалар механизация ёрдамида чеканкадан чиқарилди.

А. МУСТАФОЕВ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

УРЕНГОИ—МАРКАЗ I МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРИ ИНШООТИ ҚУРУВЧИЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, ИШЛАТУВЧИЛАРИГА, МАШИНАСОЗЛАРИГА, ЛОЙИҲАЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, УНИНГ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларни янги катта ютуқ—3 минг километрдан кўпроқ масофадаги Уренгой—Марказ I магистрал газ қувури муддатидан илгари ишга туширилганлиги билан самимий қутлайдилар.

Сизлар Уренгой—Помари — Ужгород магистрал газ қувури барпо этишнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиб, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлабгина қолмай, шу билан бирга улардан ўзиб ҳам кета олдингиз. Меҳнат коллективларининг юксак даражада уюшқоқлиги ва интизомлилиги, ижодий активлиги туфайли, юқори унумли техникадан моҳирлик билан фойдаланилганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш такомиллаштирилганлиги, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари аниқ мақсадни кўзлаб, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб борганликлари туфайли шундай натижаларга эришиш мумкин бўлди.

Янги газ транспорт магистрали жадаллик билан барпо этилганлиги КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорларини бажаришга, СССРнинг энергетика программасини амалга оширишга қўшилган конкрет ҳиссадир.

Сизлар эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, Уренгой—Марказ II янги магистрал газ қувурини муддатидан илгари ишга тушириш ташаббуси билан майдонга чиққанингиз жуда қимматлидир.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети сизлар ана шу вазифани бажариш ҳамда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муносиб равишда адо этиш учун барча зарур ишларни қиласизлар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Азиз ўртоқлар, сизларга меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ · СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг 4-бўлими деҳқонлари ҳалол меҳнат эвазига мўл ҳосил тўплашга эришмоқдалар. Эндиликда асосий эътибор сўнгги ишлов беришни муваффақиятли якунлашга қаратилган. Бу ўринда иш сифати қатъий назорат остига олинганлиги ўз самарасини бермоқда.

Суратларда: бўлим бошқарувчиси Маҳмуд Қорабоев (ўртада) илғор бригада бошлиғи Мусин Сирожиддинов ва механизатор Абдуҳамид Йўлбарсовлар билан суҳбатда; ғўза қатор ораларига ишлов бериш.

М. Қорабеков фотолари.

ЭРТАГИ, СИФАТЛИ ПАХТА УЧУН

## ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИГА АМАЛ ҚИЛИБ

ЎТГАН ЙИЛИ колхозимизда пахта тайёрлаш халқ хўжалик плани бажарилмади. Эл олдида юзимиз шувит бўлиб қолди. Колхозчиларнинг умумий йиғилишида йўл қўйилган камчиликларнинг туб сабаблари атрофлича таҳлил этилди. Ҳар бир бригада ва звенода ишни тупроқ шароитига қараб, қатъий агротехник қоидалар асосида ташкил этиш ҳақида келишиб олинди. Шу асосда тадбирлар ишлаб чиқилди. Эрта кўкламданоқ далаларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган чоралар кўрилди. Пайкал бошларига кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди ва бу ўғитлар картограммага асосан ерларга солинди.

Чигитни ернинг табиий намига ундириб, ҳар гектарида мўлжалдаги кўчатларни сақлаб қолдик. Кўрилган тадбирлар яхши самара бераётганлигини бизнинг бригадамиз мисолида кўриш мумкин. Яганани ўз вақтида тугаллаб, культивация, озиқлантириш ишларини бирбирига боғлаб ўтказиб, ғўза тупларининг бақувват ва серҳосил бўлиб ўсишига эришмоқдамиз.

Бу йил ғўзани озиқлантиришда илғорлар тажрибасига қатъий амал қилмоқдамиз. Ҳар йили колхоз омборидан олинадиган калий ўғити вақтида қатор ораларига солинмай қолиб кетиб исроф бўларди. Бу йил ана шундай бўлишига йўл қўймадик. Дастлабки комплекс ишлов бериш даврида ҳар гектар ерга 250 килограммдан аммофос ҳамда 50 килограммдан калий аралашмаси солинди. Тўлаган Аҳмедов, Мирсаид Турсунов, Усмон Машарипов сингари механизаторларимиз бу ишларни кўнгилдагидек бажардилар. Ғўзаларга аралаш ўғит бериш натижаси яхши бўлди. Суғориш бошланмасданоқ экин шоналаб, ёппасига гуллади. Кўчатлар бақувват бўлиб ривожланди. Ғўза қатор ораларига иккинчи ишлов бериш ҳам ана шу тарзда ўтказилди. Сўнгра сув қўйишга киришдик.

Ҳозирги кунда ғўзаларни маҳаллий ўғитлар билан озиқлантиришни давом эттирмоқдамиз. Ҳар тупда 5—7 тадан бўлиқ кўсак бор. Уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Экин шарбат сувига қондирилмоқда. Ҳар бир пайкал бошига белгиланган миқдорда чириган гўнг келтириб қўйилган.

Бригадамиз деҳқонлари 135 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан жами 679 тонна пахта етиштиришга аҳд қилганлар. Шу мақсадда мусобақани кун сайин кучайтирмоқдамиз. Ҳар беш кунда якун чиқарилади. Илғорлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилади. Бутун ҳаракат, диққат-эътибор сифатли пахта етиштиришга қаратилгандир.

О. МАВЛОНОВ,
Пискент районидаги Тельман номли колхоз бригада бошлиғи.

## ҲАМ ПАХТА, ҲАМ КАНОП

ҒАЛАБА районидаги «Ленинград» колхозининг тажрибали деҳқон Ғаффор Жунусов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 75 гектар ерда пахта, 40 гектар майдонда каноп етиштиришмоқда. Бу экинлардан мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун коллективнинг ҳар бир аъзоси муносиб ҳиссасини қўшаётир.

— Юбилей йилида биз пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга, канопни эса 250 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилганмиз,— дейди бригада бошлиғи. — Бундай юқори натижага эришиш осон эмас. Шунинг учун бригадамиз деҳқонлари ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширишга эътибор бермоқдалар. Қилинган меҳнатларнинг самараси яхши бўляпти. экинлар баравж ривожланмоқда.

Ҳозир далаларни айлансангиз ҳар туп ғўзада ўртача 5-6 тадан бўлиқ кўсак санашингиз мумкин. Энг муҳими ҳар гектар ерда ўртача 120 минг тупдан бўлиқ кўчат сақлаб қолинган. Каноп ҳам сўнгги бор озиқлантирилмоқда. Бригада миришкорлари шу билан парваришни тўхтатишмоқчи эмас. Ҳар иккала экинни август ойи охиригача шарбат усулида суғориш, бегона ўтлардан тозалаш каби тадбирлар давом эттирилади.

Ғ. УМАРОВ.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ КУНДАЛИГИ

## ҚАМИШДАН ЎТ УНИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози чорвадорлари қишлов учун мустаҳкам озуқа базаси жамғаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Сўнгги йилларда хўжаликда ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган алоҳида икки бригада ташкил этилгач, бу иш янада жонланди.

Бу йил Раҳмонберди Каримбердиев ва Мўминжон Ҳожиев бошчилик қилаётган озуқачилик бригадалари коллективлари 110 гектар ерда дон учун, 90 гектар ерда силос учун маккажўхори етиштиришмоқда. Ҳозиргача маккажўхорига уч марта комплекс ишлов берилди. Уч марта суғорилди.

Бундан ташқари, 170 гектар ердаги беда уч марта ўриб олинди. Айни кунларда тўртинчи ўримга тайёргарлик қизғин бораяпти. Ҳозиргача 170 тоннадан зиёд беда пичани тайёрланди.

— Бу йилги шароит мавжуд имкониятларни тўла ишга солиб, қишловга пухта тайёргарлик кўришни талаб қилмоқда,— дейди Раҳмонберди Каримбердиев. — Бу ишда бизга колхозимиз комсомолларидан тузилган зарбдор отряд яқиндан ёрдам бераётир. Лутфулла Гулматов бошчилик қилаётган комсомол—ёшлар ҳозиргача 1602 тонна табиий ўт пичани тайёрлаб беришди.

Ҳақиқатан ҳам хўжаликда фақатгина беда ва бошқа озуқа экинлари ҳисобига эмас, табиий ўт пичанидан ҳам баракали ем-хашак тайёрланди. Қорамоллар учун витаминга бой озуқа бўлган ўт уни асосан қамиш ҳисобига ишлаб чиқарилмоқда. Шу кунгача ўт уни тайёрлаш агрегатида 72 тонна озуқа тайёрланди.

Эндиликда бутун ҳаракат маккажўхори ўримини сифатли ўтказишга қаратилмоқда. Июль ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб хўжаликда силос учун маккажўхори ўрими бошлаб юборилди.

Сифатли ва мўл озуқа гўшт, сут, тухум ва бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини бераётир. 1984 йилнинг биринчи ярмидаги натижалар бунга мисол бўла олади. Олти ойда 1983 йилнинг шу даврига нисбатан уч тонна гўшт, 5 минг дона тухум, 95 тонна кўп сут етиштирилди. Айни кунларда сигирларнинг ҳар биридан 11—12 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинаётир.

— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олишга аҳд қилган чорвадорларимиз барча ички имкониятларни ишга солиб, эл дастурхонига янада мўлкўл гўшт, сут, тухум етказиб берадилар, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ниғмат Соатов.— Бунинг учун биринчи навбатда мўл озуқа базаси тайёрлаймиз.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

## СИФАТ БЕЛГИЛИСИ КЎПАЙМОҚДА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Корхонанинг барча ишчи-хизматчилари бу меҳнат беллашувида фаол иштирок этмоқдалар. Шу туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ой сайин кўпайиб бораяпти. Ҳозирги кунда фахрий беш қирра нишони туширилган 20 дан зиёд маҳсулот тури ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Кўплаб ишчилар айни кунларда шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот етказиб бермоқдалар. Любовь Енгаватова, Луиза Фарзалина, Тамара Молева, Татьяна Карпаш ва Клавдия Шушакова сингари беш йиллик зарбдорларининг меҳнат календарида 1988 йилнинг турли ойлари қайд этилган. Улар юбилейни муносиб нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилиб, ойлик планларини 150 процентдан адо этмоқдалар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

## БИР МАВСУМДА ИККИ ҲОСИЛ

Н. И. Вавилов номидаги Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари картошканинг олтита янги дурагайини етиштирдилар. Институтнинг тажриба майдонларида ўтказилган экспериментлар картошканинг биринчи ҳосили гектар бошига 350—400 центнерга етганини кўрсатди. Иккинчи ҳосил эса 120 центнерни ташкил этди. Янги дурагайлар қуруқ ва иссиқ иқлимга мослашган. Бу навлар ғоят мазали бўлиб, узоқ вақт сақланиши мумкин.

Ҳозирги вақтда институт филиалининг коллекциясида картошканинг 500 дан кўпроқ намуналари бор.

(ЎзТАГ).

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг

## УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

1 август куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. С. Горбачев раислигида умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда мактаб ислоҳотини амалга ошириш шароитида янги 1984—1985 ўқув йилини бошлаш масалалари кўриб чиқилди.

СССР маориф министри М. А. Прокофьев, СССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси Н. А. Петровичев ахборот бердилар. Муҳокамада КПСС Кострома область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Баландин, Москва шаҳридаги 72-мактаб ўқитувчиси, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи З. А. Малахова, РСФСР маориф министри Г. П. Веселов, Харьков шаҳар район халқ маорифи бўлимининг мудири В. И. Дроботько, Ставрополь ўлкасининг Новоалександровский районидаги «Россия» колхозининг раиси В. Ф. Врана, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. А. Епишев, Белоруссия ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси В. Л. Верховец, Андропов шаҳридаги машинасозлик заводининг директори А. А. Герасимов, Оренбург область Оренбург районидаги Дедуров ўрта мактабининг директори, СССР халқ ўқитувчиси Н. К. Калугин, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳисоб математикаси ва кибернетика факультетининг декани, академик А. М. Тихонов иштирок этдилар.

Пировардида комиссия раиси М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Комиссия мажлисида шу нарса қайд этиб ўтилдики, КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқини, мактабни ислоҳ қилиш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қабул қилган ҳужжатларни педагог ходимлар, ота-оналар, барча меҳнаткашлар зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Ислоҳот ўз мазмунининг теранлиги ҳамда ўқувчиларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, уларни меҳнатга тайёрлаш юзасидан олға сурилган проблемаларнинг кенглиги, халқ маорифининг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда ўқитувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг кўламлари жиҳатидан у совет мактаби тарихида ғоят катта ўринни эгаллаб, ривожланган социализмни янада такомиллаштиришнинг таркибий қисми бўлади. Бу — партия билан давлат ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатувчи яққол мисолдир.

Ислоҳотни амалга оширишда совет жамоатчилигининг кенг табақалари иштирок этишлари учун меҳнаткашларнинг турли категориялари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, ислоҳотнинг асосий ғояларини пропаганда қилишни кучайтириш зарурлигига эътибор жалб қилинди. Халқ маорифи кадрларининг сиёсий ва профессионал ўқуви системасида КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми ҳужжатларини ҳамда партия билан ҳукуматнинг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорларини ўрганишни ташкил этиш, ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш керак.

Комиссия мажлисида ислоҳотни амалда рўёбга чиқариш тадбирларига асосий эътибор қаратилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко таъкидлаганидек, «энди ислоҳотнинг ғоялари қоғозда қолмай, тўла-тўкис рўёбга чиқиши ҳақида ўйлаш керак. Мактабни ислоҳ қилиш соҳасидаги жамики иш учун мустаҳкам моддий ва ташкилий база яратиш — ҳозирги бош вазифадир».

Комиссия мажлисида сўзга чиққан кишилар мактабни ислоҳ қилиш соҳасида ҳамма жойда авж олиб кетган катта ишлар тўғрисида гапирдилар. Шу билан бирга бу ишни жадаллаштириш ва яхшилаш, унинг сифатини ошириш, таълим-тарбия жараёнини анча такомиллаштириш учун ҳамма ишларни қилиш зарурлигига эътибор жалб этилди. Амалдаги программалар ва дарсликларни мураккаб ва иккинчи даражали материаллардан холи қилиш, шу ўқув йилидаёқ ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашни яхшилашда реал натижаларга эришиш мақсадида ўқитувчиларни методик тавсиялар билан ўз вақтида таъминлаш лозим.

Мактаб ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этиш проблемаларига катта эътибор берилди. Ўқув планлари ҳамда мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълими ва тарбияси программалари шу ўқув йилидаёқ янги талабларга мувофиқлаштирилиши керак. Қишлоқда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларида, саноат, транспортда, хизмат кўрсатиш соҳасида мактаб ўқувчиларининг меҳнат бирлашмаларида ёшларнинг меҳнат тарбияси соҳасида тўпланган бой тажрибасидан тўлиқроқ фойдаланиш зарур. Бу ишларни халқ маорифи органлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат коллективлари билан биргаликда амалга оширадилар. Улар жуда қисқа муддатларда талаб этиладиган иш жойини, мутахассислар, мураббийларни, шунингдек хомашё ва материалларни ажратиб беришлари, ўқувчилар меҳнатининг яхши ташкил этилишини таъминлашлари лозим. Тармоқ министрликлари ва идораларининг ҳаммаси ҳам ўзларига қарашли корхоналар ва муассасаларда шундай ишларни чинакамига авж олдириб юбормаганликлари қайд этиб ўтилди.

Янги ўқув йилида ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчи кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш, ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ягона типини қарор топтириш соҳасида муҳим қадам қўйиш керак бўлади.

Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг кадрларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда шу мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини кадрлар билан мустаҳкамлаш масалаларига муҳим аҳамият берилмоқда. Нутқларда мактабда ишлаш учун ўқитувчилар танлаб олишни яхшилаш, педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш ролини ошириш, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабининг моддий базасини ривожлантиришдаги камчиликларга, янги мактабларни, мактабгача тарбия муассасалари ва ҳунар-техника билим юртларини ўз вақтида ишга тушириш, мавжуд мактаб биноларини яхши сақлаш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

Комиссия мажлисида ўқитувчиларнинг бўлажак август конференцияларида ислоҳотни амалга оширишга доир амалий тадбирларни кенг кўламда ишчанлик билан муҳокама этишни ташкил қилиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ана шу конференцияларда партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг раҳбарлари, хўжалик раҳбарлари сўзга чиқишлари мақсадга мувофиқ деб топилди. Биринчи сентябрда умумхалқ байрами — Билим кунини нишонлашга яхши тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш керак.

Комиссия ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков иштирок этдилар.

## МАКТАБ ЯНГИ БОСҚИЧДА

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари асосида умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар халқ маорифи раҳбар ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Кенгаш 1 август куни Москвада очилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ислоҳотни амалга оширишнинг конкрет масалалари юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилдилар. Бу қарорлар халқ маорифи ходимлари амалий фаолияти учун қўлланма бўлиб қолди. СССР маориф министри М. А. Прокофьевнинг докладида, бошқа нутқларда совет мактаби янги, бениҳоя муҳим босқичга кирганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу босқичда ёшларга таълим ва гражданлик тарбияси бериш сифатини оширишга, уларни актив ҳаётий позицияда туриш, социалистик Ватан тақдири учун масъулиятни сезиш руҳида тарбиялашга зўр эътибор берилиши лозим.

Партия ҳужжатлари уч миллионли совет ўқитувчилари отряди олдига янги муҳим вазифалар қўйди. Жамиятнинг ишончли кишилари деб ҳақли равишда аталаётган ўқитувчилар ўз талабаларига марксча — ленинча эътиқод, мустақил ижодий фикрлаш, ижтимоий фойдали, унумли меҳнат қилиш қобилиятини сингдиришлари лозим. Мактаб ўқувчиларини касб-кор танлашга ўргатиш борасида Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Озарбайжонда, бошқа бир қанча регионларда ижобий тажриба орттирилди. Айни вақтда ёш авлодни меҳнатга тайёрлаш самарадорлиги ҳамон етарли эмаслигича қолаётганлиги кенгашда уқтириб ўтилди. Мактабларни битириб чиқувчиларнинг кўпи билан тўртдан бир қисми ўз тақдирини олинган меҳнат кўникмалари билан боғламоқда.

Кенгашда педагогика фани билан мактаб практикасининг ўзаро алоқасига, таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишга, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш масалаларига катта ўрин берилди.

МОСКВА
(ТАСС мухбири).

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

# ЖОНКУЯР

«ҚЎШНИ қишлоқларга борсак асфальтланган кўчалар, бенуқсон ишлаб турган водопровод кранлари ва уй бекаларининг оғирини енгил қилаётган табиий «зангори олов»нинг ҳар бир оилада мавжудлигини кўриб ҳавас қиламиз. Айни вақтда афсусланамиз ҳам. Наҳотки, бир қишлоқ Советида, битта колхоз территориясида яшасагу, шароитимиз бутунлай бошқа-бошқа бўлса...»

С. Раҳимов номли колхознинг ветеран аъзолари Д. Мўминжонов билан А. Нортиллаевнинг юқоридаги гаплари К. Маркс қишлоқ Совети раисининг ўринбосари Н. Холметовни ўйлантириб қўйди. Ва ниҳоят бу масала навбатдаги йиғилишнинг кун тартибига қўйилди. Кўп ўтмасдан колхознинг «Қизил Ўзбекистон» участкасида водопровод кранлари ўрнатилди. Кўчаларга асфальт ётқизилди. Шу кунларда раис ўринбосарининг ташаббуси билан маҳалла комитетининг биноси қад кўтаряпти.

У ёш бўлишига қарамасдан қишлоқ Советининг депутати сифатида кўпгина ишларга бош-қош. Меҳнаткашларнинг турмушини, яшаш шароитини яхшилаш йўлида тинмай ҳаракат қиляпти.

У ўз меҳнат фаолиятини колхоздаги қурувчилар бригадасида дурадгорликдан бошлади. Ўзининг ишчанлиги, самимийлиги билан ҳаммага ёқиб қолган бу йигит кўп ўтмай бригадирликка сайланди. Айни вақтда колхоз комсомол комитети ишларига яқиндан кўмаклашди. Комсомоллар ўртасида тарбиявий ишлар олиб борди. Шундан сўнг Нормат колхоз комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлай бошлади. Сабзавотчилик, пахтачилик ва чорвачиликда комсомолларнинг қўлга киритган ютуқларида, албатта, унинг ҳам ҳиссаси катта.

1970 йили унинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди: у КПСС аъзолигига қабул қилинди. Бу ишонч унинг зиммасига янада масъулиятли, салмоқли вазифалар юклади.

Мана, етти йилдирки, у қишлоқ Совети раисининг ўринбосари вазифасида фаол ишлаб келмоқда. Оилавий ишлардан тортиб, ишлаб чиқаришгача доир бўлган турли масалалар билан шуғулланади. Қишлоқ Советида 125 нафар депутат, 9 та доимий комиссия ишлаяпти. Депутатларга берилган 44 та наказнинг 43 таси бажарилди. С. Раҳимов, Навоий, Ленин номли колхозлардаги хонадонлар табиий газ билан таъминланди. Янги боғча биноси фойдаланишга топширилди. Бу ишларнинг амалга оширилишида Д. Каримжонова, Ғ. Умаров, Т. Алимов каби депутатларнинг меҳнатлари алоҳида диққатга лойиқ.

Киши қанчалик яхши ишласа, шунчалик ҳурмат-эътибор қозонади. Н. Холметов ҳам ўзининг ишчанлиги, топширилган иш учун жон куйдириши ва жамоат ҳаётидаги актив иштироки билан танилмоқда.

Т. ЖЎРАЕВ.
Тошкент райони.

# ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ЯНГИ УСУЛЛАР

**ШУ КУНЛАРДА Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Агросаноат» комплекси» павильонида «Деҳқончиликнинг янги системаси» деб номланган тематик экспонатлар намойиш қилинмоқда. Улар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимларининг суғориладиган ерлар унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлигини ошириш борасида олиб бораётган самарали ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Институт лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори А. ЗОКИРОВ жамоатчи мухбиримиз А. Ҳакимов билан суҳбатда шу хусусда гапириб берди.**

— Сўнгги йилларда институтимиз олимлари ерларнинг унумдорлиги, пахта, беда ва маккажўхори каби ўсимликлар ҳосилдорлигини янада ошириш йўлида бирмунча муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Чунончи академик Мирза-Али Валиевич Муҳаммаджонов бошчилигида деҳқончиликнинг янги системаси ишлаб чиқилиши ҳам ана шундай ютуқлардан бири бўлди.

Маълумки, ерни узоқ йиллар давомида бир хил чуқурликда ҳайдаш, унга оғир қишлоқ хўжалиги техникалари ёрдамида ишлов бериш, узлуксиз суғориш ва шўрини ювиш каби факторлар таъсирида ҳайдалма қатлам ости зичлашиб кетади. Шунга кўра экинлар илдизлари таралиб ўсади, сув ер остига яхши сингмайди, ҳосилдорлик турғун бўлиб қолади. Кимёвий моддаларни ишлатиш оқибатида ҳам тупроқнинг биологик мувозанати бузилади, унумдорлик хусусияти анча пасаяди. Шу билан бир қаторда чиринди (гумус) запаслари камайиб, фойдали микробиологик жараёнлар сусаяди. Ўз ўрнида ҳашарот ва касаллик тарқатувчи бактерия, замбуруғлар кўпайиши учун имконият туғилади. Натижада толиққан ердан мўлжалдаги ҳосил олинмайди, сарф ва харажатлар кўпайиб кетади.

Янги системани қўллаш жараёнида тупроқ унумдорлиги тубдан ортади. Гўё ер янгиланиб, соғломлашади, ҳайдалма қатлам остида иккинчи қўриқ очилади. Тупроқнинг биологик мувозанати қайта тикланади, турли хил касалликлардан ва зараркунандалардан яхши тозаланади.

Бу система бўйича ҳайдалма қатлам ости зичлашиб кетган ва алмашлаб экиш схемасига кўра беда етиштиришга мўлжалланган майдонлар асосан кузда ҳайдалади. Амударёнинг қуйи оқими зоналарида эса эрта баҳорда бирйўла 30 сантиметр чуқурликда ағдарма шудгор қилинади, 50—60 сантиметргача чуқурликда остки қатлам юмшатилади. Шудгорлаш жараёнида йиллик нормадаги фосфорли ва калийли ўғитларнинг ярми ҳайдалма остига 50—60 сантиметр чуқурликка солинади. Бунда ҳар бир килограмм фосфорга 1—1,5 килограмм чириган гўнг аралаштирилса, янада яхши самара олиш мумкин бўлади.

Ерларни беда экишга тайёрлашда КПГ—2,2 юмшатгичларидан фойдаланиш зарур. Чунки бу мослама ерни бирйўла 50—60 сантиметр чуқурликда юмшатишга ва ўғит солишга мўлжалланган.

Чуқур ишланган ерлар баҳорда экишга тайёрланиб, бедага маккажўхори қўшиб экилади. Тупроғи шўрлаган ерларга эса бедага оқ жўхори аралаштириб экиш мумкин. Маккажўхори сўтаси сут тўплаш даврида силос учун ўрилади. Кузгача бедадан яна бир марта ҳосил олинади. Иккинчи йилдан бошлаб беда тоза ҳолда ўсади. Бу вақтга келиб суғориш яхши ташкил этилса, беда йил давомида 5-6 мартагача ўрилади. Учинчи йили беда 2-3 марта ўриб олингач, ерлар ППУ—50 А ёки ППН—40 маркали плуглар ёрдамида 50—60 сантиметр чуқурликда ағдарма шудгор қилинади. Бу плуглар ҳайдалма қатламни тўла ағдаришга мосланган бўлиши зарур. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти олимлари лойиҳаси асосида плугларни ҳар бир хўжаликнинг ўзида қайта жиҳозлаш мумкин.

Чуқур ағдариб ҳайдалган бедазорларга 25—30 июлгача, жанубий районларда эса 5—10 июлдан кечикмасдан маккажўхори ёки маккажўхорига дуккакли дон экинлари қўшиб экиш тавсия этилади. Сув танқис бўлган зоналарда бу тадбир кузда амалга оширилади.

Маккажўхорини экиш давомида гектарига 150 килограмм азот ва 120 килограммга яқин фосфорли ўғитлар бериш, кўчатнинг қалинлиги 45—50 минг тупдан ортмаслиги лозим. Экин йиғиштириб олингандан сўнг ер олти-етти йил давомида 22—25 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб, пахта экилаверади. Чунки бу майдонларда тупроқнинг сув, ҳаво ва озуқа режими яхшиланади, экинлар ривожи учун қулай имкониятлар юзага келади. Ерларда беда илдизи ва анғизи ҳисобига тупроқда чиринди (гумус) ҳамда азот моддалари тўпланиши 1,5—1,6 баравар ортади. Қолдиқлар ернинг чуқур қатламига кўмилгач, гумус моддаларининг парчаланиш жараёни аста-секин боради. Бундай ҳолатда серўт даланинг ғўза ҳосилдорлигига фойдали таъсири узоқ йил давом этади.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, деҳқончиликнинг янги системаси амалда қўлланилаётган эски системага нисбатан беда, маккажўхори, судан ўти каби экинлар ҳосилдорлиги 40—60, пахта ҳосилдорлигини эса 25 процент ошишини таъминлайди. Ўтган йили бу система республикамиз бўйича 5,5 минг гектар майдонда қўлланиб, 1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Айни пайтларда янги система кўплаб хўжаликларда кенг қўлланилаяпти. Янги усул пахта, дон, ўт, дуккакли экинлар ҳосилининг юқори бўлишини таъминлаш билан бир қаторда чорвачиликни янада ривожлантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

## УЗУМ ТОПШИРИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ. Бу йил район соҳибкорлари давлатга 6395 тонна узум етказиб беришни режалаштирганлар. СССР нинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган илғор боғбон ва соҳибкорларнинг фидокорона меҳнати ажойиб самаралар берди. Катта-катта майдонлардаги токзорларда узумдан юқори ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Куни кеча шаҳарликлар дастурхонига бу хилдаги ноз-неъматни етказиб бериш бошлаб юборилди.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози соҳибкорлари ҳозиргача давлатга 21 тонна узум топширдилар. Бу соҳада колхознинг З. Алиева, Ш. Маҳкамов ўртоқлар бошлиқ бригадалари айниқса, пешқадамлик қилмоқдалар. Айни кунларда бу бригадаларнинг токзорларида узум узиш ва давлатга топшириш қизғин бормоқда. Ҳар гектаридан 180-250 центнердан ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Райондаги Карл Маркс номли колхоз, Абдураҳмонов номли совхоз соҳибкорлари ҳам давлатга узум сотишни бошлаб юбордилар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

ИЛМ-ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

## ЎЗИМИЗДА ЧАКАНДАЗОРЛАР БЎЛАДИ

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг ечимлари чакандазорлар барпо этишни тезлаштишга ёрдам беради. Улар шу ўсимликни тез кўпайтириш технологиясини яратдилар. Чаканда (жирғаноқ, маймунжийда) меваси поливитамин ва доривор препаратлар олиш учун ғоят қимматли хомашё манбаидир.

Бу технология кўк новда қаламчаларини ўстириш методига асосланган. Июль ойида қирқиб олинган чаканда қаламчалари сунъий туман установкаси билан таъминланган плёнкали теплицага экилади. Намлик юқори бўлганлиги туфайли қаламчалар тез илдиз отиб ўса бошлайди, кўпи тутиб кетади. Кўчат тайёрлаш анъанавий данагидан кўпайтириш методига нисбатан икки баравар тезлашади.

Бирлашма олимлари чаканда янги навларини яратмоқдалар, Ўзбекистон шароитида чаканда парвариши агротехникасини ишлаб чиқмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ



Кечагидек унинг ёдида, 1950 йилнинг илк баҳори... Икки кундан бери худди ўчакишгандек, ёмғир челаклаб қуяди, баъзан қор ҳам аралашиб ёғади. Район касалхонасидаги унга ажратилган хона эса совуқ. Ёш шифокор ана шу хонада ўз хаёли билан банд. У жиноятчини ахтарар, ҳақиқатни изларди...

Тошкентдаги маъмурий органлар илтимосига кўра Қашқадарё воҳасига етиб келган суд медицинаси врачи Анвар Раҳимов ишни аввало фожиа содир бўлган уйни изчил текширишдан, шу воқеадан хабардор шахслар билан эринмай суҳбатлашишдан бошлади. Ниҳоят қабрдан икки ҳафта бурун дафн этилган қизнинг мурдасини ковлаб олиб, текшириб ўргангандан сўнг, чигал масала равшан бўлди. Бу воқеанинг тафсилоти шундай эди:

Эндигина 19 га кирган Ҳумайра исмли қиз бидъат, эскилик, дин ҳомийларининг қурбони бўлганлиги тасдиқланди. Ҳа, бу қиз эскилик урф-одатимизга қарши курашган, у ўзининг «бешиккетди» қилинган яқин қариндоши - тоғаваччасига турмушга чиқмаслигини очиқ-ойдин ота-онасига айтганди. Улар кўнишмади. Қиз қатъий равишда розилик бермади. Эътирозларни эшитган номард йигит Ҳумайрани хилватда учратиб, роса дўппослаган, ваҳшиёна қийнаган ҳамда чала мурда ҳолда кўчага ташлаб кетган эди.

Фожиадан хабардор бўлган ҳар иккала оила тегишли органларга мурожаат этишдан қўрқиб мурдани хуфия дафн этишганди. Қотиллик тарихини сира эринмай ипидан-игнасигача ўрганган шифокор олим Анвар Раҳимовнинг изчиллиги туфайли жиноятчилар фош қилинди, ҳамда улар қилмишига яраша жазога тортилдилар. Шу тариқа А. Раҳимов фаолиятида ўчмас из қолдирадиган ютуқлар кўпайиб борди.

Мана бу воқеа совхозлардан бирида уруш тугаган йилда содир бўлган эди. Ўша йиллари қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказаётган чигирткани бартараф этиш учун таркибида маргумуши бўлган доридан далаларда фойдаланиларди. Ундан қотиллик йўлида бировлар фойдаланиши мумкинлиги ҳеч кимнинг ёдига ҳам келмасди. Бир неча йиллардан буён келини билан можаро қилиб келаётган бир қайнонага бу дори «қўл» келганди. Беш фарзандли келинидан ўч олиш мақсадида қасддан унинг ва набираларининг овқатига «чигиртка дориси»дан қўшиб берган. Она ва болаларда кучли заҳарланиш рўй бериши туфайли бутун оила оғир аҳволда қолган. Тошкентдан етиб келган шифокорлар туфайлигина фожианинг олди олинган, аммо энг кенжа қизалоқ ҳаётдан кўз юмган. Медицина эксперти Анвар Раҳимов бу жиноятни ҳам фош этган. Қотилликка қўл урган, одам қиёфасини йўқотган қайнона эса одил совет суди томонидан қилмишига яраша жазоланган.

Одамлар ўртасидаги муносабатларда келишмовчиликлар, шахсий зиддият, кўролмаслик, рашк, жанжал туфайли етказилган жароҳатлар, кўча фалокати, иш жойларида техника назорати бузилиши натижасида юз берадиган турли-туман кўнгилсиз воқеалар, айрим врачларнинг айби билан операциялардан сўнг содир бўладиган нохуш асоратлар экспертнинг иш манбаидир. Бу фаолият шифокордан одиллик, ҳақгўйлик, билимдонлик, алоҳида маҳорат, малака ва ўз касбига чуқур масъулият билан ёндошишни талаб этади.

Республикамизда шу илм бўйича ўнлаб истеъдодли мутахассислар камолга етди. Анвар Раҳимов ана шулардан биридир. У 40 йилдирки, бўлажак шифокорларга Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида тиббиётнинг шу мураккаб соҳасидан дарс бериб келади. Ўз фаолиятини эса амалий ишлар билан боғлаб олиб боради. Шифокор мурдани ёки унинг аъзоларини текшириб, ҳатто бир соч толаси, биргина қон хужайраси ёки суяк қолдиғига қараб бўлса ҳам, фалокат, ўлим сабабларини, муддатини айтиб беради. Бу билан у ҳар бир жиноятнинг илдизини топишда маъмурий органларга катта ёрдам бериб келмоқда.

### РЕСПУБЛИКА ТЕНГДОШЛАРИ

Шифокор ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, ундаги ўз ишига бўлган садоқат, эринмаслик ва ҳақгўйлик фазилатларининг шаклланишида Советлар армиясида хизмат қилган йиллари катта мактаб бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир. А. Раҳимов Улуғ Ватан уруши йилларида 2-Болтиқбўйи фронтининг 229-алоҳида минасизлантирувчилар отрядида хизмат қилди. Ёш врачга отрядда санитария ишларини олиб бориш вазифаси топширилди. Анвар Раҳимов урушда яраланганлар жонига оро кириб, неча-неча жангчиларни оёққа турғизди. Шиддатли жангларда медицина ёрдами пунктида неча ўнлаб операциялар қилди. Ўз тажрибасини орттириб борди. Ана шундай хизмат пайтида у ишлаётган чодир ёнгинасига тушган снаряд шифокорни яралади. У кўзини очгач қулоқлари битиб, атрофи қоронғилашаётганлигини, бутун танаси зирқираб оғриётганини ҳис этди. Шу лаҳзада полк, дивизия командирлари билан шифокорлар ҳузурига кириб келган фронт қўмондони генерал Андрей Иванович Еременко (кейинчалик Совет Иттифоқи маршали) ярадорлар аҳволидан хабардор бўлгач, уларнинг халоскори ўзбек шифокори Анвар Раҳимовга ташаккур билдирди.

Уруш тугагач кўпгина жангчи шифокорлар қатори Анвар Раҳимов ҳам кўкси орден ва медалларга тўлиб, она шаҳри Тошкентга қайтди. Шинель ўрнига яна қордек оппоқ халатини кийди. Кейин аспирантлик йиллари, илмий изланишлар, тиббиёт илмини адлия илми билан боғлаш йўлидаги ҳаракатлар зое кетмади. У «Автомобиль жароҳатлари ҳамда уларни аниқлаш тадбирлари» мавзуида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Анвар Раҳимов кўп йиллар давомида Тошкент Давлат медицина институтида доцент, кафедра мудири, 1972 йилдан бошлаб эса Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг суд медицинаси кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Истеъдодли олим, тажрибали педагог ҳозиргача шу илмга оид 30 дан ортиқ илмий ишлар ва монографиялар яратди. Ана шу йиллар давомида жуда кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Олимнинг меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. А. Раҳимов талантли тадқиқотчигина эмас, меҳрибон, ғамхўр оила бошлиғи ҳамдир. Унинг умр йўлдоши Оҳу Раҳимова — Тошкент Давлат университети юридик факультетида педагог, доцент. Қизи Маликахон — юрист, Муаттархон — шифокор, ўғли Саидолим — врач. Ўғил—қизлар ҳам ўз оталарининг ҳурматини ҳамиша бажо келтирадилар. Яқинда Анвар Раҳимов ўзининг 60 ёшини нишонлади. Ана шу куни олимнинг дўстлари, шогирдлари, қариндош уруғлари, фарзандлари уни гулларга буркашди. Бу унинг учун юксак мукофот ва чуқур ҳурмат ифодаси эди.

Биз ҳам ана шу қутловларга қўшиламиз, республикамиз билан тенгдош бўлган шифокор олим Анвар Раҳимовга самимий ҳурматимиз, яхши тилакларимизни изҳор этамиз. Медицинамиз фани равнақи йўлидаги илмий ва амалий ишларида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Атаулла ОҚИЛОВ,
профессор.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

## БУЮРТМАЛАР БЎЛСА, МАРҲАМАТ

**Калинин районидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори Б. РАФИҚОВ хабар қилади:**

— Комбинат коллективи самарадорлик ва сифат масаласига эътиборни кучайтирмоқда. Ҳозир биз меҳнаткашларга қабул пунктлари орқали хизмат кўрсатишни бошладик. Янгича ишлаш тартибига мувофиқ бешта сайёр группа тузилди. Улар хизматнинг турлари бўйича мутахассислардан ташкил топди. Масалан, тикувчи, сураткаш ва ҳоказолар. Сайёр группа ҳафтанинг маълум кунларида колхоз ва совхозларда бўлиб, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжлари билан танишади, улардан турли буюртмалар олади. Оржоникидзе, Калинин, Куйбишев номли колхозларда, «Қорасув», «Москва», «Назарбек» совхозларида ўтказилган илк тажрибалар ўзини оқламоқда. Бу қулайлик туфайли меҳнаткашларининг вақтлари тежалмоқда.

Сайёр группа аъзолари иш жойига биринчи марта борганларида, асосан, буюртмалар олиш билан шуғулланадилар. Иккинчи сафар эса тайёр бўлган буюртмаларни ўз эгаларига топширишади. Биз хизмат кўрсатишнинг ана шу янги усулини янада такомиллаштириш йўлида ишни давом эттирамиз.

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## ҒАРБДАГИ МАХСУС ХИЗМАТ МАҲКАМАЛАРИНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг яна бир райони ғарб давлатлари махсус хизмат маҳкамаларининг асосий эътибори жалб этилган манбага айланмоқда. Матбуотнинг хабар беришича, кейинги вақтларда Бихар штатининг Чайбаси округида сепаратчи унсурлар активлашиб қолди. 1978 йилда бу ерда ташкил этилган Колхоан Ракша Сангх ташкилоти қандайдир «мустақил давлат» тузиш учун кураш ҳаракатини авж олдиришга уринмоқда. Экстремистлар дўқ-пўписа ва террор усулидан фойдаланиб иш кўрмоқдалар. Нифоқчилик шиорларига қарши чиққан етмишга яқин маҳаллий аҳоли ҳозирнинг ўзидаёқ улар ҳужумининг қурбони бўлди.

Ҳиндистон парламентининг ҳозир иш олиб бораётган сессиясида Бихар штатидан олинган таҳликали хабарлар муҳокама қилинмоқда. Ҳукмрон Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг вакили Р. Бихардваж депутатлар ҳузурида гапириб, сепаратчиларнинг бошлиқлари ғарбдаги махсус хизмат маҳкамаларининг агентлари эканлигини таъкидлади. Мазкур маҳкамалар Ҳиндистондаги вазиятни беқарор қилишга уринмоқдалар, деди у. Чайбаси райони чет элдагиларнинг алоҳида қизиқиш манбаи бўлиб қолди, деди парламент аъзоси, чунки у ерда уран конлари топилган. Мана шу стратегик хомашё намуналари контрабанда усули билан Ҳиндистондан четга чиқарилган.

## ҲАРБИЙ УСТУНЛИККА ЭРИШИШНИ ОРЗУ ҚИЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Американинг таниқли публицисти, «Нью-Йорк таймс» газетасининг шарҳловчиси Том Уикер Рейган маъмурияти ўтказаётган сиёсатни кескин танқид қилди. Рейган маъмурияти космик қуроляроғлар тўғрисидаги Совет—Америка музокаралари олиб борилишига халақит беришга ҳамон уринмоқда.

Президент Рейган, деб ёзади у, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш тўғрисида музокаралар ўтказиш даврида йўлдошларга қарши системаларни синаб кўришни таъқиқлаш тўғрисида келишиб олиш ҳақидаги Совет Иттифоқининг таклифини қабул қилишга тайёрлик тўғрисида ломлим демаяпти. Айни вақтда маъмуриятнинг расмий вакиллари бундай тадбир гўё СССР учун «устунликка эришиш» имконини беради деб даъво қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси қуруқ сафсатадир, деб уқтиради Т. Уикер. АҚШ ҳукумати бир битимга эришишни истамаётганлигининг чинакам сабаблари бутунлай бошқадир. Шу йил кузда ҳукумат йўлдошларга қарши янги мураккаб системани синаб кўриш ниятидадир. Вашингтон буни АҚШнинг ҳарбий устунликка эришишидаги воситалардан бири деб билмоқда.

(ТАСС).



**● БУЮК БРИТАНИЯ. Шеффилддаги кокс ишлаб чиқариш бўйича завод яқинида кончилар ва полициячилар билан жиддий тўқнашув рўй берди. Кончилар миллий касаба союзининг раиси А. Скаргилл бошчилигида 5 минг ишчи ушбу корхона олдида тўпланган эдилар. Полициячилар иғвогарлик қилиб, бу тинч намойишни чинакамига муштумбозликка айлантирдилар. Натижада 80 кишидан кўпроқ кончи оғир жароҳатланди, 100 киши қамоққа олинди. Суратда: Шеффилдда кончилардан бирини қамоққа олиш пайти.**

**АП—ТАСС телефотоси.**

## АФҒОНИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

● АДР транспортида давлат сектори тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда бешта йирик давлат транспорт корхонаси ишлаб турибди. Бу транспорт корхоналари ўтган йил мобайнида 270 минг тонна юк ва 118 миллион пассажир ташиди. Бу эса план топшириқларининг 105 процент бажарилганини билдиради.

● ЎЗИНИНГ сифати ва рангининг тозалиги билан машҳур бўлган афғон қоракўл териси халқаро бозорда ғоят манзур бўлмоқда. Бултур, деб хабар беради «Ҳақиқати инқилоби савр» газетаси, Лондон, Лейпциг, Ленинград, Чехословакия ва Болгариядаги мўйна аукционларида АДРдан олиб борилган бир миллиондан кўпроқ қоракўл сотилган эди. Қоракўл тери сотишдан давлат хазинасига 11 миллион доллардан кўпроқ маблағ тушди.

● АФҒОНИСТОН қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда химиявий ўғит ва техника хизмати кўрсатиш давлат ташкилоти катта роль ўйнамоқда. Бу ташкилот шу йилнинг биринчи кварталида 40 минг тоннадан зиёд фосфорли ва азотли ўғитни деҳқонларга тақсимлаб берди. Бу эса ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир. Бу йил жами 65 миллион афғонидан ортиқ химиявий ўғит етказиб берилади.

Ҳозирги вақтда ташкилот 17 та вилоят филиалига ва ўғитни тақсимлайдиган 22 та пунктга эга. Яқинда у чет эллардан юз минг тоннадан зиёд фосфорли ўғит сотиб олиш тўғрисидаги битимни имзолади.

● СОЦИАЛИСТИК мамлакатлардан АДРга моллар ташиб келтираётган «Дўстлик» кооперативининг бу йилги обороти 60 миллион доллардан ошиб кетади.

● БАХТАР агентлигининг яқинда берган хабарига қараганда, Афғонистоннинг Жаузжон вилоятидаги беш юздан кўпроқ ерсиз деҳқонлар оиласи ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар олишди.

Афғонистон Халқ демократик партияси ва АДР революцион ҳукумати ҳозирги пайтда деҳқонларнинг турмуш даражасини ошириш программасини амалга оширмоқда. (ТАСС).

**● Нуэвитас шаҳридаги Октябрь революцияси номли азот ўғитлари комбинати Совет—Куба самарали ҳамкорлигининг ёрқин тимсолидир. Совет мутахассислари комбинатни лойиҳалаш ва қуришда, бу ерда машина-ускуналарни монтаж қилишда, корхона цехлари учун малакали кадрлар тайёрлашда иштирок этганлар. Суратда: азот ўғитлари комбинати.**

Г. Мисюрова фотоси.
(ТАСС).



### ИҒВОГАРОНА ТАЙЁРГАРЛИКЛАР

ТОКИО. (ТАСС). Японияннинг Хонсю ороли шимолий соҳили ёнидаги Муцу кўрфазида АҚШ ва Япония ҳарбий-денгиз кучларининг катта машқлари ўтказилди. Машқларда Американинг вертолёт ташувчи «Окинава» кемаси, Японияннинг 30 тага яқин кемаси, денгиз авиациясининг катта группаси қатнашди. Халқаро Сангар бўғозига бевосита яқин жойда ўтказилган машқлар чоғида «фавқулодда вазият» вужудга келган тақдирда регионнинг асосий денгиз йўлларини «тўсиб қўйиш» операцияси такрор-такрор синаб кўрилди.

«Нихон кэйдзай» газетасининг хабар қилишича, бундай уруш-уруш «ўйинлари» бундан буён Япония атрофидаги денгизларда ҳар йили ўтказилиб туради. Халқаро бўғозларни тўсиб қўйиш усулларини қайта-қайта синаш мақсадида Япония — Америка машқлари тез-тез ўтказилаётганлиги Япония ҳарбий-денгиз кучларини Тинч океанининг шимолиғарбий қисми денгиз йўлларида мамлакат соҳилидан 1000 милягача радиусда жанговар ҳаракат қилишга иғвогарона тайёрлашнинг бир қисмидир.

## ТЕРРОР ВА ЖАБР-ЗУЛМ ЁРДАМИДА

САН-ХОСЕ. Сальвадордаги америкапараст режим бошлиғи Дуарте тинч аҳолини қонли жабр-зулмга дучор қилмоқда. Партизанларнинг «Фарабундо Марти» радиостанцияси хабар беришича, Америкада ишлаб чиқарилган самолётлар мамлакат пойтахти Сан-Сальвадор шаҳридан 30 километр наридаги Гуасапа вулқони атрофидаги аҳоли зич яшайдиган районларни бомбардимон қилмоқда. Деҳқонларнинг уйлари тўплардан ўққа тутилмоқда. Радиостанциянинг уқтириб ўтишича, бундай чора аҳолини қўрқитиш мақсадини кўзлаб ватанпарвар кучларни тобора кенг халқ оммаси қўллаб-қувватлашидан маҳрум этишга қаратилгандир. Босқинчиларнинг бундай ҳужуми натижасида тинч аҳоли нобуд бўлмоқда.

Америкалик инструкторлар томонидан ўқитиб ўргатилган жазо отрядлари Сан-Сальвадордан 70 километр наридаги Синкера ва Хутеапа қишлоқларини вайрон қилдилар. Улар уйларга бензин қуйиб, ёқиб ташладилар ва қочиб қутилаётган одамларни автоматлардан ўққа тутдилар. Натижада ўнлаб кишилар, жумладан болалар, аёллар ва қариялар ҳалок бўлди. Режимнинг бундай жинояти кенг жамоатчиликни ғазаблантирди. Сальвадордаги католиклар черковида ҳеч бир гуноҳсиз кишиларнинг ҳалок бўлишида айбдор бўлган қотиллар жазоланишини талаб қилдилар.

(ТАСС).

